

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА МОХИРА КЕНЖАЕВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗ МОРФЕМ ТАРКИБИНИНГ СОДДАЛАШИШИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)  
on filological sciences**

**Усманова Мохира Кенжаевна**

Ўзбек тилида сўз морфем таркибининг соддалашиши ..... 3

**Усманова Мохира Кенжаевна**

Упрощение морфемного состава слова в узбекском языке ..... 23

**Усманова Мохира Кенжаевна**

The simplification of the morpheme composition in the Uzbek language ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМАНОВА МОХИРА КЕНЖАЕВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА СЎЗ МОРФЕМ ТАРКИБИНИНГ СОДДАЛАШИШИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil123 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тожиёв Ёрмат**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманазарова Гулжаҳон Умрзоқовна**  
филология фанлари доктори

**Хайруллаев Хуршид Зайниевич**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**А.Б.Пардаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**Д. И.Салоҳий,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ҳар бир тил ҳодисасини ўрганишга янгича ёндашувлар, янги илмий изланишлар, эътибордан четда қолган, одатда, бошқа тил ёки тиллар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тилшунослик мундарижасини белгилашдан воз кечиш, тилни ўз тарихий тараққиётини тўғри ҳисобга олган ҳолда, ана шу тарихий тараққиёт асосида ўрганиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Умумтилшуносликда морфема унинг диахрон ва синхрон аспектдаги тараққиёти хусусида ранг-баранг фикрлар билдирилган. Тилларнинг тарихий тараққиёти давомида сўз морфем структурасида содаллашиш содир бўлиши ёки унинг структур мураккаблашуви сабабларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этган.

Дунё тилшунослигида сўзнинг морфем таркиби хусусида турли хил қарашлар баён этилган бўлса-да, унинг коммуникация жараёнидаги иштироки, семантик ўзгаришлари хусусида ҳамон турли фикрлар билдирилмоқда. Айниқса, тилдаги морфем жиҳатдан содаллашиш тушунчаси, унинг туб моҳиятини аниқлаштириш, тарихий ўзак, ўзак кенгайиши фонетик таркиб жиҳатдан мураккаблашиш тушунчалари кам ўрганилган ёки алоҳида тадқиқ этилмаган туб сўз фонетик структурасининг кенгайишини ҳам ўрганишни кун тартибига қўймоқда. Бинобарин, сўзлар таркибидаги барча морфонологик ўзгаришлар – морфемалар, фонемалар бирикишларидаги ўзига хосликларни, умуман, улар тараққиётидаги жиҳатларни монографик ўрганиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида сўзларнинг (айниқса, туб сўзларнинг) фонетик структураси, морфем таркиби бўйича салмоқли тадқиқотлар бажарилган. Бу ишларда ўзбек тилига (умуман, туркий тилларга) оид сўзлар морфонологиясига дахлдор қарашлар баён этилиб, луғавий бирликлар таркибида содаллашиш ҳодисаси содир бўлаётганлиги борасида йўл-йўлакай фикрлар билдирилган. Бугунги кунда “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш”<sup>1</sup> га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тил тараққиёти давомида ўзбек тилига бошқа тиллардан жуда кўплаб сўзлар ўзлаштирилган. Бу ҳолат ўзбек тили луғат таркибини жиддий ўзгартирган, лексемалар фонетик таркибининг, умуман, сўз структурасининг ўзгариши учун асос бўлган. Ясама сўзларнинг морфем структурасида ихчамлашиш, содаллашиш ҳодисаси ҳам рўй бераётганлиги тил тараққиёти натижасидир. Бу эса ўзбек тилининг ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётганлигининг белгисидир. Ўзбек тилидаги сўзларнинг фонетик тузилишини, морфем таркибидаги ўзгаришларни, туб сўзлар фонетик тизимида товушлар миқдорининг ортиб

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / [prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137).

бораётганлиги, бўғинлар сонининг бир бўғинлиликдан кўп бўғинлилик томон ўзгараётганлигини ўрганиш муҳимлик касб этади. Ўзбек тили луғат таркибидаги бирликлар “соддалашиш” нуктаи назаридан алоҳида тадқиқ этилмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги тахрирда қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17-февралдаги ПҚ-2789 сонли Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилининг луғавий бирликларини турли жиҳатлардан ўрганиш узоқ тарихга эга. Шунини айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида, умуман, туркологияда туркий сўзлар, жумладан, ўзбек тилига оид луғавий бирликлар – лексемалар, асосан, бир бўғинли кўринишда бўлиб,<sup>2</sup> икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзлар кейинги тараққиёт натижасида пайдо бўлганлигини жуда кўп олимлар таъкидлашган<sup>3</sup>. Жумладан, Кенжа Усмонов тарихий ўзакни белгилашда, унга чегара қўйишда айрим белгиларга асосланишни тавсия этар экан, ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлган соф туркий сўзлар сифатида *сув, ер, қўй, от, ит, ой, кўк, оч, ет, ун, кўз, кўр, қўл, соч, қил, кўч, кун, тун* каби бирликларни келтиради<sup>4</sup>.

Ўзбек тилшунослигида сўзлар таркибидаги соддалашиш ҳодисаси профессорлар А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, М.Миртожиёв ва С.Усмонов ишларида XX асрнинг 60-йилларида кузатилса, кейинчалик, бу ҳодиса қисман, фонетика доирасида А.Нурмонов ишларида, шунингдек, А.Абдуазизов, К.Усмонов, Ё.Тожиёв, А.Бердиалиёв, Т.Мирзакулов каби олимлар тадқиқотларида морфемика доирасида кўрилади бошлади. Бироқ туб сўзларга сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар қўшилганда содир бўладиган барча ўзгаришлар, асос ва қўшимча муносабати доирасидаги кенгайиш (бунда асоснинг кенгайиши – сўз структурасининг мураккаблашуви кўзда

---

<sup>2</sup> Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. автореф. дисс. канд. филол. наук. – Т., 1973. – 42 с.

<sup>3</sup> Усмонов К. Тарихий ўзак масаласи. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 6.

<sup>4</sup> Усмонов К. Кўрсатилган асар. – Б. 6.

тутилади), сўз морфем таркибининг эса соддалашиш ҳодисаларини жиддий тадқиқ этиш маълум даражада эътибордан четда қолди. Ушбу тадқиқотда асосий эътибор аввало, соддалашиш ҳодисасига ҳамда ҳодисанинг ўрганилиш масаласига қаратилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг “Ўзбек тилшунослигининг асосий йўналишлари, тараққиёт босқичлари хусусиятлари ва муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган ва тарихий тараққиёт давомида морфем структурасида соддалашиш содир бўлган сўзларнинг структур мураккаблашуви сабабларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ўзбек тили туб сўзларининг фонетик структураси тарихан қандай бўлганлиги борасидаги қарашларга муносабат билдириш, уларнинг илк кўринишларини белгилаш;

соддалашиш тушунчасининг тилшуносликдаги талқинларини ойдинлаштириш, туб моҳиятини аниқлаштириш, тарихий ўзак, ўзак кенгайиши тушунчаларига муносабат билдириш;

морфем жиҳатдан соддалашиш, фонетик таркиб жиҳатдан мураккаблашиш (туб сўз фонетик структурасининг кенгайиши) муносабатларини баҳолаш;

аффиксация натижасида бир бўғинли туб сўзларнинг кўп бўғинли туб сўзларга айланиш сабабларини талқин этиш;

кўп морфемали сўзларнинг (ясама сўзлар, ясама сўзшакллар) кам морфемали сўзларга ўзгаришида фонетик ўзгаришлар ўрнини белгилаш;

морфемалар мўътадиллашуви ёки лексикализация натижасида содир бўлган соддалашишга баҳо бериш, уларни далиллаш;

кўп бўғинли туб сўзлар тарихий тараққиёт даражасини белгилаш.

қўшма, жуфт, такрорий сўзлар, бирикмалар доирасидаги соддалашишни баҳолаш.

**Тадқиқот объектини** ҳозирги ўзбек тилидаги фонетик структураси мураккаблашган, аммо морфем структураси соддалашган, туб сўз ҳолига келиб қолган бирликлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, “Ўзбек тилининг морфем луғати”<sup>5</sup> ва бошқа луғатлардаги умумхалқ тили материалларининг лингвистик хусусиятлари танланган.

---

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Русский язык, 1981. 1,2-жилдлар; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Т.: Университет, 2000. – 537 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: ЎЗМЭ, 2006. 5 жилд; Гуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – Б.4-256.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, ареал-лингвистик, тарихий-этимологик, тавсифлаш, таснифлаш таҳлил усуллари билан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳозирги ўзбек тили луғат таркибидаги фонетик структураси мураккаблашган, бир бўғинлиликдан кўп бўғинлиликка ўзгарган, лекин морфем структураси соддалашишга учраган (яхлитлашган, турли сабабларга кўра асос билан қўшимча сингишиб кетган) сўзларнинг структур-семантик, фонетик-деривацион тараққиёти очиб берилган;

бир бўғинли туб сўзлар фонетик структурасининг тарихий тараққиёт жараёнида кўп бўғинли фонетик структураларга эга бўлиш сабаблари асосланган;

ясовчи асос билан ясовчи қўшимчалар ўртасидаги сингишишлар натижасида сўз таркибида содир бўлган морфонологик ўзгаришлар аниқланиб, сўз таркибининг соддалашиши далилланган;

туб сўзларнинг тарихий тараққиёт натижасида кўп бўғинли фонетик структураларга эга бўлиш даражаси аниқланган ва соддалашишда уни таъминловчи асосий фонетик ўзгаришлар асосий омиллар сифатида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳодисанинг ўрганилиш тарихига баҳо берилган ва соддалашиш билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратишда қўл келиши далилланган;

ўзбек тили туб сўзларининг фонетик структурасининг илк кўринишлари белгиланган, мавзу бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар соддалашиш тушунчаси бўйича зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили тарихи, тилшунослик назарияси фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

морфем жиҳатдан соддалашиш, фонетик таркиб жиҳатдан мураккаблашиш (туб сўз фонетик структурасининг кенгайиши) муносабатлари очиб берилган, аффиксация натижасида бир бўғинли туб сўзларнинг кўп бўғинли туб сўзларга айланиш сабаблари исботланган;

кўп морфемали сўзларнинг (ясама сўзлар, ясама сўзшакллар) кам морфемали сўзларга ўзгаришида фонетик ўзгаришлар ўрни асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ушбу тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-этимологик, ареал-лингвистик, тарихий-қиёсий, таснифлаш, тавсифлаш ҳамда лингвостатик таҳлил усуллари билан асослангани, “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, “Ўзбек тили бўйича этимологик кузатишлар”, “Ўзбек тилида туб содда сўзлар тадқиқи” китобларидаги қарашларда ўз ифодасини топган хулосаларга мос келиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек тилида кўп бўғинли туб сўзларнинг тарихий тараққиёт натижасида,

унинг маҳсули бўлиб юзага келганлигининг илк бор жиддий ўрганилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, ўзбек тили туб сўзлари фонетик структурасидаги ўзгаришларни тўғри белгилаш, улар тараққиётини илмий асослаш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ўзбек тили морфем луғатини қайта тузишда, мавжуд луғатдаги камчиликларга барҳам беришда ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Тилда мураккаб қўшимчалар пайдо бўлишининг сабаблари ҳақида кенг маълумот беради. Тадқиқот ўзбек тилининг жиддий мукамал этимологик луғатини яратишнинг илмий-амалий омили бўлиб хизмат қилади. Айниқса, умуман тил таълими тизимида сўзнинг морфемик таркибини тўғри белгилаш борасидаги муаммоларни бартараф этишда амалий аҳамияти бекиёсдир. Диссертациядан ўзбек тили морфемикаси, морфонологияси, сўз ясалиши, грамматик ҳодисалар моҳиятини очиб бериш борасидаги машғулотларда кенг фойдаланиш мумкин. Ана шу курслар бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун жиддий материал беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тилимиздаги сўзларнинг морфем структурасидаги соддалашишни очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

айрим соддалашишга учраган бир бўғинли ва қисман икки бўғинли бирликларнинг аксарияти қадимги туркий тилда мавжуд бўлган ўзак морфеманинг семантик жихатдан маъно кўчиши, силжиши, маънонинг кенгайиши ёки торайиши сингари ўзгаришлар натижасида истеъмолдан чиқиши, уқиш мумкин бўлмай қолиши сабабли туб сўзга айланганлиги хусусидаги хулосаларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 89-03-3146-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида кўплаб луғавий бирликларнинг изоҳлари мукамаллаштирилган;

диссертацияда келтирилган ҳозирги ўзбек тили луғат таркибидаги сўзлар фонетик структурасининг мураккаблашишига оид хулосалардан ОТ-Ф8-02 “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 89-03-3146-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида бирликнинг серқирралик моҳияти ёритиб берилган.

тадқиқот натижалари асосида чоп этилган «Ўзбек тилидаги соддалашган туб сўзлар луғати»да (ISBN:978-9943-5414-1-2) 1000 дан ортиқ туб сўзлар изоҳланган. Илмий натижалар асосида луғавий бирликларнинг маънолари бойиган, изоҳлари мукамаллашган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 20 илмий -амалий анжуманда, шу жумладан 3 та халқаро ва 8 республика илмий -амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шулардан 9 республика журналларида, 3 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби "**Ўзбек тилидаги содда туб сўз морфонологик таркибининг ўрганилиши**" деб номланган. Боб бир-бирига алоқадор, ўзаро узвий боғланган уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда содда бир бўғинли туб сўзлар морфонологик таркибидаги ўзгаришлар, улардаги содаллашининг ўрганилиши масалалари ёритилган. Иккинчи бўлимда содда кўп бўғинли туб сўзлар морфонологик таркибидаги ўзгаришлар, улардаги содаллашиш ҳодисасининг ўрганилиш масалалари ёритилган.

XX асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб ўзбек тили морфонологиясига оид жиддий тадқиқотларнинг юзага келиши, албатта, тилшуносликда умуман, жаҳон тилшунослигида бу борада қилинган кейинги ишлар учун ҳам тўртки бўлгандек. Жумладан, йирик тилшунослар А.Кононов ва А.Ғуломовларнинг бу борадаги илк ишлари рус тилида ёзилганлиги сабабли бошқа олимларнинг ҳам ана шундай тадқиқотлар яратишларига йўл очди дейиш мумкин<sup>6</sup>. Жумладан, рус олимаси В.Чургановнинг бу борадаги ишлари<sup>7</sup> юқорида қайд этилган олимлар ишларининг таъсирида юзага келган бўлса ажаб эмас. Айниқса, Аюб Ғуломовнинг ушбу мақолалари туркий туб сўзлар структураси бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борган йирик тилшунослар В.Чургановнинг ҳамда И.Т.Милославскийнинг ишлари бу туркологлар П.М.Мелиоранский,

---

<sup>6</sup> А.Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М-Л, 1960; А.Г. Гулямов. О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке. Научные труды ТашГУ. 1963. - № 211. - С.45-95. Гулямов А.Г. Словообразование путем внутренних изменений слова в узбекском языке, научная сессия А.Н.УзССР.Т, 1947.

<sup>7</sup> В.Г.Чурганова. Очерк русской морфонологии. - М.: Наука, 1973. -С.1-222; И.Т.Милославский. Вопросы словообразовательного синтеза. - М.: ИМУ, 1980. -С.9-98.

Н.К.Дмитриев, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, В.А.Богородицкий, Н.А.Баскаков, И.А.Батманов, П.Азимов, А.М.Шчербак каби олимлар тадқиқотлари доирасига кирувчи, уларнинг сўз структураси, сўз ясалиши, морфонологик ҳолатлар билан боғлиқ қарашларига ҳамоҳангдир. Айнан шу ишлар А.Абдуазизовнинг "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси", А.Нурмоновнинг "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси", Ё.Тожиевнинг "Ўзбек тили морфемикаси", К.Усмоновнинг "Тарихий ўзак масаласи" монографияларининг яратилиши учун манба бўлди. Муҳими эса, ана шу ишлар соф туб ўзак сифатида қараб келинган кўпгина бирликларни таркиб жиҳатдан яна қайта кўриб чиқишга йўл очади. Бобда асосан ана шу масалага жиддий эътибор қаратилди.

Олимларнинг от-феъл синкретизми ҳақидаги, шунингдек, тарихий ўзаклар деб тан олиб бўлинган, айниқса, ундош+унли+ундош структурали сўзлар таркиби масаласидаги фикрларини ўзбек тили фактлари ҳамда А.Ғуломовнинг юқорида келтирилган ишларидаги таҳлиллардан келиб чиқиб шарҳлашга, Б.М.Юнусалиев таъкидлаганидек, бундай туб сўзлар ҳам тарихан яна парчаланиши мумкинлиги, фақат таркибнинг нималардан иборат эканлигини белгилаш муҳимлиги борасида қарашлар ҳар хиллиги ҳолатларига эътибор қаратилди. Ўзбек тилидаги бир бўғинли туб сўзлар: *қиш-қис, йоз-йор, йоз-йой, бўз-бўр, йоз-йоқ, сув-сут, туз-буз, тун-кун, кел-кет, суқ-сиқ, кўз-кўр, йир-йор* каби жуда кўп бирликлар тарихан бир-бирига алоқадор эканлиги, улар таркиби аслида икки морфемадан иборат бўлиб, кейинчалик, улар ўзаро сингишиб кетган бўлиши мумкинлиги масалалари имкон доирасида асосланди ва бу борадаги қарашларга маълум даражада ойдинлик киритилди.

Бир бўғинли туб сўзлар сифатида қаралган *олд, орт, ост, уст, қўл, ол, шул, бул, кел, кет* аслида *ол+d, ор+m, ос+m, ус+m, ол, шу+ул, бу+ул, ке+m, ке+l* тарзида парчаланadi. Бу аниқ. Бироқ кейинги қисмлар (морфемалар) аслида қандай морфема эканлиги (сўз ясовчими ёки бошқа элементми?) номаълумлигича қолаётганлиги кузатилади. Ишда бундай бирликлар таркибидаги қисмлар қандай морфемалардан ташкил топганлигидан қатъий назар, уларда камида икки морфема мавжудлиги, улар сингишиб кетиб ана шу ҳолатга (туб ўзак ҳолига) келганлиги - соддалашганлиги асослаб берилди.

Бобнинг иккинчи фаслида содда, кўп бўғинли туб сўз морфонологик таркибининг ўрганилиши таҳлил этилди. Маълумки, содда сўзга морфемик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, икки бирликнинг фарқлинишни кузатиш мумкин: а) бош ёки ўзак морфема; б) эргаш ёки аффикс морфема. Ўзак морфема профессорлар А.Ғуломов ва Ё.Тожиевлар таъкидича, биринчидан асосан, бир неча морфемали сўзлар таркибий қисми бўлса, иккинчидан, маъносини йўқотмай туриб бошқа бўлақларга ажратилмайди, учинчидан, қариндош сўзларнинг умумий қисми ҳисобланади, тўртинчидан, ўзи алоҳида олинганда ҳам луғавий маъно англатиши мумкин, ва

бешинчидан, унинг ўзак деб аталиши, албатта, бошқа морфемалар -одатда аффикс морфемаларга нисбатандир<sup>8</sup>.

Ҳозирги ўзбек тили материалларини кузатиш шуни кўрсатадики, икки ва ундан ортиқ бўғинли ва ҳозирги кунда таркибий қисмларга (морфемаларга) ажратиб бўлмайдиган, туб ўзак - туб сўз деб баҳоланаётган бирликларнинг микдори ҳам икки мингдан ортиқ эканлиги кузатилади: *қишлоқ, ўдагайла, кўмир, юрак, буйрак, кўрпача, шолча, ўтин, яхши, ёмон, ундош, тўзон, шовқин, совға, қовға, тутун, ўсимлик, исирға, олға, илзор, илгари, қаттиқ, ўпқон, йайлов, думалоқ, юмалоқ, пишмоқ, чўмич, ўрмала, буйруқ, сескан, уннамоқ* кабилар.

Шу қисмнинг ўзида йирик тилшунос, *соддалашиш* борасида ўз жиддий фикрлари билан эътибор қозонган, Саидзода Усмонов қарашлари ҳам батафсил таҳлил қилинган, олимнинг қарашларига муносабат билдирилган. Шу тарзда академик А.Ҳожиёвнинг *қаттиқ, юмшоқ, силлиқ, илиқ, суюқ, куюқ, тирик, тирил, оқлиқ, безори* каби сўзлар таҳлили борасидаги қарашлари келтирилиб таҳлилга тортилди.

Биринчи бобнинг учинчи бўлими "Ўзбек тилида соддалишни таснифлаш ва юзага келтирувчи омилларни белгилаш" деб номланган. Ўзбек тилшунослигида соддалашиш ҳодисасига профессор А.Ғуломов XX асрнинг 50-йилларидаёқ жиддий эътибор қаратади. Олим ўзининг "Ўзбек тили морфологиясига кириш" рисоласида анчагина мисолларни таҳлил қилиш натижасида бу ҳодисага нисбатан "*Сўзнинг морфологик ҳолатидаги бу тарихий ўзгариш бир неча қисмли сўзнинг ажралмас бир бўлакка айланиши тарзида намоён бўлишидир*" деб баҳо беради. Профессор Ё.Тожиев ўта соддалашишга учраган бирликлар таркибини белгилашда баъзан қиёслаш усулидан фойдаланиш яхши самара беришини алоҳида кўрсатиб ўтади<sup>9</sup>. Бунда олим *йалнай-йалпоқ, семиз-семир, тўл-тўй, тўқ\_сўзлари* таҳлилинин назарда туттади.

Тилшуносликда *соддалашиш* ҳодисасини таснифлаш борасида жиддий ишлар қилинган эмас. Бу борада, ўзбек тилшунослигида фақат академик А.Ҳожиёвнинг қуйидаги фикри борлиги кузатилади: "Соддалашиш жуда оддий ва жуда мураккаб кўринишларга эга бўлади"<sup>10</sup>. Олим оддий соддалашишга *совуқ, иссиқ, чучук* сўзларидаги соддалашиш ҳолатини, мураккаб соддалашишга *сўлгин, ҳоргин, қизгин, чиркин* сўзларини мисол қилиб келтиради. Бироқ шуни айтиш керакки, мисоллар таҳлили давомида олимлар, йўл-йўлакай тарзда, соддалашишга учраган бирликларни маълум бир жиҳатларига кўра таснифлаганлиги кузатилади. Жумладан, А.Ғуломов ажралмас тусдаги кўп бўғинли сўзларни уч гуруҳга ажратади: а) аслида икки

<sup>8</sup> А.Ғуломов. Ўзбек тили морфологиясига кириш. – Т.: Фан, 1953. –Б.6.; Ўзбек тили грамматикаси. I том. – Т.: Фан, 1975. –Б.65-70.; Ё.Тожиев. Ўзбек тили морфемикаси. – Т.: Жумҳурият услуб бошқармаси, 1992. – Б.6-17.; Тожиев Ё. Яна сўз, лексема, сўз шакл, морфема, морфемика ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. -№6. –Б.43-50.

<sup>9</sup> Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. – Т.: Жумҳурият услуб бошқармаси, 1992. – Б.19.; Тожиев Ё. Бир бўғинли сўзлар тадқиқида доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. -№2. –Б.28-33.

<sup>10</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б.170.

қисмли, аммо ажралмас ҳолга келган бирликлар; б) тарихий жиҳатдан ҳам ажратиш мумкин бўлмаган бирликлар; в) ўзлашган сўзлар<sup>11</sup>.

Бир ишда тарихий ўзаклар - соддалашишга учраган бирликлар ҳосил бўлишига кўра 4 гуруҳга ажратилгани кузатилади. Жумладан, сўз яшаш асоси ва сўз ясовчи қўшимчаларнинг бирикишидан келиб чиққан тарихий ўзаклар... кўринишида (ишда ҳамма гуруҳлар қайд этилган). Яна баъзи олимларнинг соддалашишнинг қайси сўз туркумлари доирасида содир бўлишига кўра ҳам таснифлаб, отларда, сифатларда, феълларда, равишларда учрашини алоҳида қайд этганликлари кўзатилади<sup>12</sup>.

Иш фаслида соддалашишни юзага келтирувчи асосий омиллар ёритилди. Албатта, соддалашишни юзага келтирувчи омиллар ҳақида гап борганда, бу омилларнинг тежамкорликка интилиш тамойили асосида белгиланганлигини эсдан чиқариб бўлмайди.

Жуда кўп сўзларда (улар ўз ва ўзлашган бўлиши мумкин) соддалашиш осон талаффуз қилиш омили асосида юзага келади: қисқартириб, айрим товушларни алмаштириб, товушлар орттириб талаффуз қилинади: *тўр (тўрт), райис (раис), нас (наст), сус (суст), улим (ўғлим), бораётибди, боряпти, қақа (қайси ёққа), қаер (қайси ер)* кабилар. Шунингдек, *нима учун* сўзининг *нечун, нимага* сўзининг *нега*, оға-ини сўзининг *оғайни* шаклларига келишида ҳам шу ҳолат кузатилади.

Ишда соддалашишни юзага келтирувчи омиллар борасида тилшунос Кенжа Усмонов қарашлари тўла баён қилинди. Бундан ташқари, профессор А.Ғуломовнинг урта омилни алоҳида кўрсатганлигини бериб ўтдик: а) яшаш асоси бўлган сўзнинг тарихий - таракқиёт натижасида истеъмолдан чиқиб қолиши омили; б) асос билан ясовчининг маъно жиҳатдан алоқаси узилиб қолиши омили; в) бириккан тил воситаларининг фонетик қайта қурилиши омили кабилар. Бу урта омил соддалашишга учраган бирликларда фаоллик даражасига кўра фарқ қилади. Осонликка интилиш омили товуш ўзгаришларини юзага келтириши билан соддалашиш жараёнида иштирок этади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Таркиби соддалашиш асосида шаклланган сўзлар талқини**» деб номланган. Ҳозирги ўзбек тилида икки мингдан ортиқ сўзда соддалашиш ҳодисаси содир бўлган деб белгилаш мумкин. Шевага оид, истеъмол жиҳатидан чегараланиб қолган бирликлар ҳам қўшиладиган бўлса, бу миқдор анча купайиши мумкин. Соддалашиш даражаси ўта мураккаб бўлган, шу билан бирга турли сабаблар асосида юзага келган бирликларни таҳлил қилиш жуда мураккаб эканлиги улар таркибини белгилаш жараёнида намоён бўлди: биринчидан, соддалашиш ҳолатлари - даражаланиши ҳар хил; иккинчидан, соддаланиш сабаблари турли-туман; учинчидан, икки бирликдан тортиб тўрт бирликнинг сингишиши ҳолатлари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси соддалашишга учраган бирликларни таҳлил қилишни жуда мураккаблаштириб юборади. Шунини ҳисобга олиб ҳамда

<sup>11</sup> Ғуломов А. ва бошқалар. Ўзбек тили морфем луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977. –Б.9.

<sup>12</sup> Усмонов К. Ўзбек тилида тарихий ўзак масаласи. – Т., 1994.- Б.6-10.

тўплаган материални синчиклаб ўрганиб чиқиш асосида соддалашишга учраган бирликларни, ўта соддалашишга учраган бирликлар ва оддий соддалашиш кечимидаги бирликлар тарзида гуруҳлаб олиб таҳлил қилишни маъкул кўрдик.

Бобнинг биринчи бўлимида ўта соддалашишга учраган бирликлар морфем таҳлилга (диахрон аспектда) жалб этилди. Ўта даражада соддалашишга учраган бирликлар тарихий бир бўғинли туб сўзларга тенглашиб қолган ва асосий қисми жуда чуқур этимологик таҳлилларсиз, ҳозирги кунда морфемалардан таркиб топмаган туб сўзлар сифатида қабул ҳам қилинади. Уларда соддалашиш тил таракқиётининг қадимги даврларида содир бўлган ва бу жараён, албатта, узоқ давом этган бўлиши керак.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилидаги туб сўз сифатида баҳоланаётган бирликлар жуда кўп. Шунинг назарда тутиб, соддалашиш бўйича таҳлилга асосан ўз қатламига оид сўзлар жалб этилди. Соддалашган сўзларнинг таркибини тарихий жиҳатдан аниқлашда ўзбек тилининг этимологик луғатларидан ҳам кенг фойдаланилди. Баъзи ҳолатларда уларга муносабат билдирилди, аниқлик киритишга ҳаракат қилинди. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да қайд этилмаган, соддалашишга учраган сўзларнинг таркибини ҳам аниқлашга уриндик. Бунда: а) аффикс аниқ сезилиб турганлигига асосланилди; б) ўзак структураси қиёслашлар орқали белгиланади. Масалан, *тўл*, *тўй*, *тўк* каби сўзларнинг таркибини белгилашда ҳам шу йўлдан борилди; олдинги 2 та товуш бир хил охириги товушлар ҳар хил маъно ҳам ҳар хил *тўл*-фёъл; *тўй*-от, фёъл; *тўқ*-сифат. Шу тариқа биринчи фаслида ўта даражада соддалашишга учраган сўзлар морфем таркиб жиҳатдан белгилаб чиқилди. Морфем таркибни белгилашда анъанадаги ўзак морфема (бош, етакчи, асосий) ва аффикс морфема (ёрдамчи, эргаш терминларидан фойдаланилди. Албатта, тилшуносликда кейинги пайтларда ўзак морфемани тан олмаслик ҳолатлари ҳам кузатиляпти<sup>13</sup>.

Таҳлил жараёнида *семиз*, *семир*, *тирил-тирик*, *олға-илғор*, *илғари-олдин*, *йор*, *йарим*, *йор-йоруг*, *йумалоқ- думалоқ-тумалоқ*, *йум-йут*, *арт-арч*, *айрим-ажрим*, *йир-йирт-йиртқич*, *йироқ*, *ажрал*, *айрил* каби юзлаб бирликлар таркиби, улар келиб чиқишидаги алоқадорлик белгилаб берилди. Қисм давомида соддалашишга учраган у ёки бу ундош билан бошланган бирликлар ҳамда унли товушлар билан бошланган барча сўзлар таркибига муносабат билдирилди, уларда соддалашишни келтириб чиқарган омиллар белгиланди дейиш мумкин: *бағишлов*, *балчиқ*, *балқи*, *бакир*, *бажармоқ*, *бўраламоқ*, *бўрдоқи*, *бўрсиқ*, *бўриқмоқ*, *бўрсимоқ*, *бўртмоқ* каби. Шу тарзда ҳамма товушлар билан бошланувчи соддалашган сўзлар таҳлил қилинди: *бақалоқ* (бақа+лоқ), *бақир* (бақ-ир), *бақрай* (бақ+ир+ай); *дудоқ*, *дудуқ*, *думбоқ*, *дўмбалоқ*: *жийак*, *жийир*, *жилмай*, *жингак*; *зўрға*, *зугим*, *зирқира*, *зигирдай*; *илғари*, *илғор*, *илдам*, *илк*; *йилқи*, *йигин*, *йўрма*, *йўрға*, *каллак*, *калтак*, *кўмир*, *кўча*, *кўй*; *майриқ*, *маймоқ*, *майшимоқ*; *нега*, *нечун*, *нетай*; *олғир*, *олчоқ*, *олға*;

<sup>13</sup> А.Ҳожиёв. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. - Т.: Фан, 2010. – Б.93-71.

*пўстак, пўстлоқ, пўчоқ; семиз, семир, сепкил, сергак; сирға, исирға, тайпоқ, тойгоқ, тира, тирка; уват, ушоқ, уқала, увада; қатин (хотин), қатыр (хачир), қивич (хивич); чандиқ, чалкаш, чайқов; шалпай, шалвира, шалпанг; ўпқон, ўра, ўргимчак, ўмров* сўзлари каби. Келтирилган сўзлар қаторида ана шундай таҳлилга жалб этилган сўзларнинг деярли ҳаммаси диссертацияда берилган ва уларнинг, ҳақиқатан ҳам, тарихан морфемалардан ташкил топганлиги, ҳозирги кунда соддалашиш асосида туб сўзга айланганлиги асослаб берилди. Жумладан, *ўртоқ*, сўзининг аслида *ўтроқ* сўзига алоқадор эканлиги ҳақидаги қарашларимизни кўрсатиш мумкин.

Бобнинг иккинчи бўлимида ўзак морфема ва эргаш морфема, оддий таҳлил орқали белгиланиши мумкин бўлган бирликлар таҳлил қилинди. Бу даражада соддалашишга юз тутган сўзларда ясовчи асосга (кенг маънода) ясовчи аффикслар (кенг маънода) қўшиш натижасида турли хил товуш ўзгаришлари содир бўлади ва бу ясовчи асос фонетик таркибининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Натижада асос билан аффикс ўртасидаги чегара хиралашади, уларни ажратиш қийинлашади, барибир, соддалашиш юз беради: *буйруқ* (буйур+қ), ул+уғ+ай>*улгай*, айир+им>*айрим*, сариқ+ай>*саргай*, сууст+ай>*сусай*, уғил+им>*уғлим* кабилар. Кўрдикки, бундай соддалашиш ўзак морфема сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи аффиксларни қабул қилганда содир бўлади. Бунда товуш тушиши (юқоридаги мисоллар), товуш иккиланиши (қаттиқ, иссиқ, аччиқ, сассиқ каби), товуш алмашиниши (сон+а>сана; онг+ла>англа; йош+а>йаша; тара+қ>тароқ; ўқи+в>ўқув, сайла+в>сайлов кабилар), товуш ортиши (кўпинча, бўйинча, ўшанча, шунча) ҳодисалари соддалашишни юзага келтирувчи асосий омил бўлади. Ишда тескари > терскари, юқори каби сўзлар қаторида таркибида -қай, -кай, -шай, -жай, -пай, -рай (сўррай), -соқ (қурумсоқ, саримсоқ, -қон (чаққон, сапқон), -чай (чўччай, чакчай -гари (-кари, -кару) каби тарихий аффикслар бор бўлган сўзлар таҳлил қилинган.

Бобнинг учинчи бўлимида кўшимча қўшилиши натижасида сўз таркибида товушлар ўрин алмашиниши (метатеза) содир бўлган ва соддалашишни юзага келтирган ҳолатлар таҳлилга жалб этилди. Жумладан, *ёмғир, ёстиқ, ўрган, озғир, киприк, буйра, қалпоқ, қўшни, тўғри, йапроқ* каби 50 та атрофидаги сўз таҳлил қилинди, уларнинг асл шакли белгиланди.

Боб бўйича белгиланган хулосалар умумлашмаси умумий хулосаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг **“Кўшма, жуфт, такрорий сўз, қисқартмалар ва сўзшаклларда соддалашиш”** деб номланган учинчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлими «Кўшма сўзлар соддалашиши» деб номланиб, унда соддалашиш кўшма, жуфт, такрорий сўз, бирикма ва сўз шакл таркибидаги бирликларнинг ўзаро сингишиб кетиши асосида ҳам содир бўлиши масалалари кўрилган.

Дастлаб бир неча сўздан иборат бирлик энди туб сўз сифатида қайд этила бошлайди. Масалан, *бу кун* сўзи уч ўзгариш асосида содда, туб сўзга айланган. Биринчидан, сўзларда семантик ўзгариш юз берган - ҳар иккала сўз ўз мустақил маъносидан узоқлашган; иккинчидан, икки хил фонетик ўзгариш

юз берган: а) урғулар яхлитлашган; б) *к>г* алмашиниши содир бўлган; учинчидан, грамматик алоқа, синтактик муносабат йўққа чиққан, энди аниқловчи-аниқланмиш ҳолати ўзгарган, тобе-ҳокимлик бузилган. Натижада *бугун* шаклини олган ва туб сўз юзага келган.

Кўринадики, бундай ҳолларда, айниқса, икки сўз кўшилиши жараёнида талаффузда товуш ўзгариши юз берса, соддалашиш кучаяди. Масалан: *ана бу>анави; мана бу>манави ёки қайчагин>қачон; қайир оғоч>қайрағоч; қайт айтайин>қайтайин да:да>дада*;<sup>14</sup> *қайин уни>қайни қайин ота>қайнота; қайин оға>қайноға, қайин она>қайнона; қайси йоқ>қаёқ; қайси йон>қайон; қайси йер>қаер,(қаерда); қора сон> қорасон; қўйчивон* кабилар. (Бундай сўзлар анчагинадир). Хусусан, *қайси чоғ* кўшма сўзи таркибидаги *қайси* сўзида тушиш ҳодисаси содир бўлган (-*си* қисми тушиб қолган) бу ҳолат уни *қайчоғ* шаклига келтирган, кейинчалик *чоғ* фаслида ҳам товуш ўзгариши содир бўлиб (*г>н*) *қайчон* шакли юзага келган, шундан сўнг *қай* қисмининг ўзидан *й* ундоши ҳам тушиб қолган. Натижада ўта соддалашиш содир бўлган: *қайси чоғин>қайчоғин>қайчоғ>қайчон>қачон* каби. Келтирилган *қайнота, қайнона, қайноға, қайни* шаклидаги каби сўзларда ҳам шу ҳолат кузатилади. Ўзбек тилидаги *манави, анави* сўзларида *бу* олмошининг таркибидаги талаффузда бўлган ўзгариш (*б>в*) ана шу сўзларнинг соддалашишига сабаб бўлган: *мана бу, ана бу, манави-анави* каби.

Ҳозирги ўзбек тилидаги ҳақиқатан ҳам кўшма сўз сифатида баҳоланаётган бирликларнинг деярли ҳаммаси турли хил сўз бирикмаларининг (ҳатто, эга-кесим муносабатидаги бирикмаларнинг ҳам) юқорида таъкидланганидек, уч ўзгариш (фонетик, грамматик, семантик) асосида бирикмалик хусусиятларини йўқотиши туфайли кўшма сўзга айланганлигини – луғавий бирлик ҳолига келганлигини кўрамиз: Янги ер → Янгиер; Янги йўл → *Янгийўл*; ўзи бошимча → *ўзбошимча*, ўлчайдиган чўпи ўлчакчўп, ўрдакни боқар → *ўрдакбоқар*; қайси ёқда → *қаёқда*; қамиш қулоқ → *қамишқулоқ*; қаландарнинг боши → *қаландарбоши*; қовуннинг полизи → *қовунполиз* кабилар (ҳамма кўшма сўзларни келтириш мумкин).

Кўринадики, кўшма сўзлар ёки бирикмаларнинг содда туб сўзга айланиши ҳам, сўз бирикмаларининг кўшма сўз ҳолига келиши ҳолати ҳам, аслида соддалашишнинг натижасидир. Булардаги соддалашиш, албатта сўзлар таркибидаги содир бўлаётган семантик, грамматик, фонетик ўзгаришлар сабабли юзага келган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тилида жуда кам сўзлар доирасида жуфт сўзнинг соддалашуви учрайди. Бундай сўзлар қаторига *оға-ини, ола-чипор (олачипор), қора-қўнғир (қорақўнғир), қут-барака, қур ҳайт, жанг-сурон, жабрдийда, дастурамон, киноқисса* каби сўзларни киритиш мумкин

Жумладан, оға-ини бирикмаси таркибида, *оға-* “катта”, *ини-* “кичик” маъносида қўлланади: *Оға-инилар бир ҳовлида яшайдилар* (Оғзаки

---

<sup>14</sup> Раҳмонов Н., Содиков Ҳ. Ўзбек тили тарихи. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2009. – Б.106.

сўзлашувдан). *Оға-ини* жуфт сўзи таркибида талаффузда товуш ўзгариши содир бўлган: *оғайни* каби. Бунда назаримизда, *ини* фаслидаги *и* унлиси *й* ундоши билан алмашган. Натижада жуфт сўз соддалашишга учраган, у содда, туб сўзга айланган ва энди “дўст”, “ўртоқ” маъноларини билдиради: *Бу гапларга қулоқ солма, оғайни!* каби (Жонли сўзлашувдан). Демак, битта фонетик ўзгариш соддалашиш учун сабаб бўлган. Тилимизда бундай зид маъноли жуфт сўзлар соддалашуви бошқа кузатилмади. Бироқ бир-бирига маънодош сифатида жуфтлик ҳосил қилувчи *қут, барака* сўзлари ўзаро бир-бирига сингишганлиги кузатилади. Жумладан, *қут* сўзининг ўзбек тилида қўлланиши анча чекланган. Шу маънода бу сўз истеъмолдан чиққан. Мана шу ҳолат *қутбарака* сўзи соддалашишига сабаб бўлмокда.

Албатта, жуфт сўзлар соддалашувида икки ҳолатни кузатиш, фарқлаш керак: а) жуфт сўзнинг (оға-ини) содда сўзга айланиб қолиш ҳолати (оғайни); б) жуфт сўзнинг таркибидаги сўзларнинг ўзаро бир-бири билан маълум қонуниятлар асосида жипслашиши, бирикиш ҳолати. Ҳар икки ҳолатда ҳам соддалашиш кузатилишини юқоридаги мисоллар таҳлилида кўрдик.

Ўзбек тилида баъзи сўзлар доирасида аслида такрорий сўз бўлган бирликлар соддалашуви кузатилади: *шаршара, варрак, ғуррак, зил-зила, жамул жам, замзама, жимжима, жимжит* кабилар.

*Шаршара* сўзи *шар-шар* тақлид сўзига *а* от ясовчисини қўшиш натижасида ясаиб, қўшимча қўшилгандан кейин такрор сўзларда жипслашиш содир бўлган, бу нарса унинг соддалашишини таъминлаган. Энди у *шар-шар* тарзида эмас, *шар-шара* тарзида туб сўзга айланиб, қўшиб ёзиладиган бўлган. *Варрак* сўзи ҳам, *ғуррак* сўзи ҳам шундай.

Бу ҳолат *зилзила, замзама, жимжима* сўзлари доирасида ҳам кузатилади. Такрорий сўзлар доирасидаги соддалашиш ҳам деярли жуфт сўзлар соддалашиш кабидир. Шунинг учун кенг тўхталмадик.

Ҳозирги ўзбек тилида бирикмаларнинг соддалашиши ҳолати ҳам кузатилади. Бироқ бу ҳолат бирикмаларнинг қўшма сўзга айланиши ёки қисқартма отлар тарзида шаклланиши кўринишида содир бўлади. Тилшунос Н.Охунов<sup>15</sup> сифатловчили ёки битишув муносабатидаги сўз бирикмаларининг қўшма ойконимга айланишини мисолларда кўрсатади. Худди шунга монанд фикр Н.Маматов томонидан ҳам таъкидланади.<sup>16</sup> Олимнинг қайд этишига кўра, сўз бирикмалари компонентлари орасидаги синтактик муносабатни ифодаловчи қўшимчаларнинг тушиб қолиши назарда тутилади. Соддалашуви асосида юзага келган. Ўзбек тилшунослигида бу типдаги соддалашиш алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Бирикмаларнинг соддалашуви ҳақида гапирар эканмиз, бирикманинг содда сўз ҳолига келиб қолган ҳолатига тўхталиш билан чекланамиз. Тилимизда шундай соддалашиш борки, бунда бирикма содда сўз ҳолига келиб қолади ва у хатто мустақил сўз даражасидан чекиниб, ёрдамчи сўз

---

<sup>15</sup> Охунов Н. Фарғона вилояти ойконимларининг грамматик тузилиши ва ясалиши // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Т.: Университет, 2006. – Б. 143-146.

<sup>16</sup> Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар, –Т.: Фан, 1983. – Б. 156-157.

мақомига тушиб қолади. Масалан, *ҳолбуки*, *барибир* сўзларида шу ҳолат юз берган. *Ҳолбуки* зидлов боғловчиси эга-кесим муносабатидаги бирикманинг синтактик муносабати йўқолиши натижасида юзага келган. Ҳозирги кунда содда сўз боғловчи сифатида қаралади. Чунки бирикма таркибидаги қисмларнинг семантикасида уқилмаслик юзага келиб бўлган: *ҳол+буки* = эга+кесим >*ҳолбуки* – боғловчи. Худди шундай ҳолат ваҳоланки, (ва+ҳол+анки) бирикмасида ҳам содир бўлган.

Шунингдек, ўзбек тилидаги *барибир* модал сўзи ҳам шу тарзда шаклланган: *бари* – эга; *бир* – кесим > *барибир* – модал сўз.

